



Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 4 декабрь, № 235 (4898)

Жума

ВАТАН РАВНАҚИ, ЭЛ САОДАТИ

бугун Тошкент шахрида очиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида муҳокама этиладиган масалаларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади



ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалалар юзасидан қарорлар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишлари ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирмадан ортқ масалани, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳақидаги масалаларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини қўриб чиқиш бўлими ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳақидаги, «Қимматли қозғолар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги тўғрисидаги қўшимча қўриш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар шул жумласидандир.

Навбатдаги ялпи мажлисида, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизими ва халқро муносабатларга тааллуқли қонунларни қўриб чиқиш тақдир қилинмоқда. Булар «Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида озолиқдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўтатиш давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир.

Бундан ташқари, Сенат ялпи мажлисида Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ишида маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари ҳамда давлат ва ҳўжарлик бошқаруви ҳудудий органларининг ақин ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга доир комплекс чора-тадбирларни бажариш билан боғлиқ бўлган «Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга йўлланган дастурини сўзсиз бажариш босида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масала ҳам қўриб чиқилади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу кўннинг ўзида Сенатнинг барча олти қўмитаси мажлисларида сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Давлатнинг асосий молиявий ҳўжжати макроекономика бўлими ва ялпи ички маҳсулотнинг юқори сўриштирилган бўлиши таъминлаш, модернизацияланган, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини янада ошириш, мамлакат минтақаларини комплекс ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Вазирилар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги мажлисида белгиланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни изчил давом эттириш максатида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Кўмиталарнинг мажлисларида парламент юқори палатаси аъзолари ялпи мажлисида муҳокама қилинадиغان қонунларнинг қўлчилиги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ва суд-ҳуқуқ ислохотини янада чуқурлаштиришга, солиқ тўғрисидаги қонун ҳўжатларини тақомиллаштиришга, қимматли қозғолар бозорини ва тижорат банкилари томонидан облигациялар чиқарилишини янада кенгайтириш учун қонун ҳўжатлари базасини яратишга, халқро конвенциялар нормаларини ижро этиш муносабати билан бола ҳўқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг мустаҳкамлашга доир миллий қонунчилик базасини ва ҳўқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга, шунингдек, аҳолини ва ҳудудларни фақулдада вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳўжатлари талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни қучайтиришга йўналтирилганлигини кўрсатиб ўтилди.

Мажлисларда қўмиталарнинг ва сенаторларнинг 2005 — 2009 йиллардаги иш якунлари ҳам қўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳбарлигида олиб борилган оқилона сиёсат бугун бизни эркин ва фаровон ҳаёт саҳнасига олиб чиқди. Бугун Ўзбекистон деган озод мамлакатни дунё билади ва унинг ҳозирги орзу-интилишлари ҳамда камолатли бўй-бастига кўпчилик ҳайрат назари билан боқмоқда. Бу манзара мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларида намоён бўлаётди. Табиийки, буларнинг барчасига, энг аввало, тараққиёт йўлимизнинг ҳўқуқий асослари яратилганлиги сабаб. Сенаторларимизнинг бугун бошланадиган анжуманида ҳам бир қатор қонун ҳўжатлари қўриб чиқилади. Юқори палата аъзолари қуни кеча ҳам ўз қўмита ййгилишларида анжуман кун тартибига қўйилган масалаларни яна бир қарра муҳокамадан ўтказдилар. Мухбиримиз сенаторларнинг ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

— Мамлакатимизда олиб борилган ва бугунги кунда изчил давом эттирилаётган оқилона ижтимоий-иқтисодий сиёсат, бу соҳадаги кенг қамровли ислохотлар самараси ўларок, ялпи ички маҳсулот ҳажми йилдан-йилга узулқис ва сезиларли сўриштирилган ўсиб бораётди, — дейди парламент юқори палатаси Мудрофа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Исроил Эрёков. — Мамлакатимизда иқтисодиёт, унинг тармоқлари ва реал секторнинг ривожланишида мислсиз ютуқларга эришилмоқда. Табиийки, бу банк-молия тизимининг мустаҳкамланганлиги, қисқа вақт мобайлида юртимизда катта бўндкорлик ишлари амалга оширилганлиги ва Юртбошимиз ташаббуси билан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсирларининг олдини олиш ва уни юмшатишга қаратилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ишлаб чиқилганлиги ҳамда унинг амалга оширилишига натижаасидир.

Қуни кеча биз ўз қўмитамизда бошқа бир қатор ҳўжатлар билан бирга мамлакатимизнинг бош молиявий ҳўжжати — Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети



тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама этдик. Дарҳақиқат, Давлат бюджет параметрларида 2010 йилда макроекономика бўлими ва ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ва юқори ўсишини таъминлаш, модернизацияланган, диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, барча ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш, шунингдек, республика ҳўкуматининг 2009 йил 13 февралдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан белгиланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш асосий мақсад қилиб белгиланган. Унда иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, солиқ сиёсатидаги ислохотларни янада жадаллаштириш, иж-

тимоий соҳани ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қатор янгиллик ҳамда имтиёзлар мавжуд. Айниқса, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш бу ҳўжжатнинг бош мақсадига айланган. Агар 2009 йилда жисмоний шахсларнинг даромади энг кам иш ҳақининг 6 бараваригача бўлган миқдорда 12 фоизлик ставка бўйича солиққа тортилган бўлса, 2010 йилда бу ставка 1 фоизга камайтирилиб, 11 фоизга ташкил этиши белгиланмоқда.

Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Зокиржон Зуннуновнинг фикрича, сенаторлар муҳокама қиладиган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳам мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтиришда катта аҳамият-

га эга. Эеро, мақзур ҳўжжат Президентимиз бошчилигида амалга оширилган ижтимоий сиёсатнинг изчиллигини таъминлайди. Унга биноан, 2010 йилда 950 мингта иш жойи яратилади. Булар, аввало, инвестиция, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ётақчи тармоқ ва қорғоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини изчил бажариш, шунингдек, кичик қорғона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорликни, касаначилик, халқ унарманчиликни қўллаб-қувватлаш орқали йўлга қўйилиши дастурда ўз ифодасини топаётди. Паррандачилик, балиқчилик, асаларчиликка, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга итисослашган фермер ва деҳқон ҳўжалик-

рини ташкил этиш ва кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Бунинг ҳисобига 127,7 минг нафар ҳамюртимиз иш жойига эга бўлади. Жумладан, ҳар бир фермер ҳўжалигида 200 та парранда етиштириш, ҳар бир туманда камда иккита паррандачилик ҳўжалигини ташкил этиш каби эзгу мақсадлар дастурда ўз ечимини топтомоқда.

Буларнинг барчаси, табиийки, фуқароларнинг Конституциямида белгиланган ҳар бир шахсининг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда иш-сиэилқдан ҳимояланиш ҳўқуқини амалда рўёбга чиқаришга, аҳолининг турмушини яхшилашга, фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Алишер БОЛИЕВ ёзиб олди. Хўсон ПАЙДОЕВ олган сурат.

АҚШ ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Мамлакатимизда Жонс Хопкинс номи университет ҳўзуридаги Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институти директори, профессор Фредерик Старр, Гудзон университети биринчи вице-президенти Эндерс Уинбуш ва «Юнайтед Пресс Интернэшнл» агентлиги халқро шарҳловчиси Жон Дейлидан иборат АҚШ экспертлари гуруҳи меҳмон бўлиб турибди. Улар 3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳўзуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Журналистлар билан мулоқот чоғида АҚШ экспертлари гуруҳининг ташрифидан қўланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентини илгари сурган ташаббуслардан келиб чиққан ҳолда Афғонистондаги мажвуд вазият ва ушбу мамлакатда узоқ муддатли тинчлик ва барқарорликка эришиш масалаларини муҳокама қилиш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик муаммолари ва Ўзбекистон — АҚШ му-

носабатлари истиқболли юзасидан фикр алмашишдан иборат экани таъкидланди.

Муҳокама чоғида АҚШ экспертлари Ўзбекистоннинг Афғонистондаги мижорани бартараф этиш, ушбу мамлакатда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлаштириш борасидаги ташаббусларни муҳим ва ўз вақтида билдирилган тақдир экани таъкидландилар. Ўзбекистоннинг Афғонистон инқирозига

ёндашуви халқро майдонда тобора кенг қўллаб-қувватланаётгани кайд этилди.

Шу маънода, тарихий тажриба ва Афғонистонда қарор топан вазиятни инобатга олган ҳолда, Афғон муаммосини ҳал қилишнинг ҳарбий ечими йўқ экани таъкидланди. Экспертлар Афғонистон мақсадида иқтисодий ёрдам кўрсатиш, қашшоқлик билан боғлиқ ўта оғир муаммоларни ечиш ва бандлиқни таъминлаш, мам-

лакатнинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасини барпо этиш ва шакллантиришга устувор аҳамият берилишига эътибор қаратдилар.

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистоннинг БМТ томонидан мувофиқлаштирилган «6+3» мулоқот гуруҳини (Афғонистонга қўшни мамлакатлар, АҚШ, Россия Федерацияси ва НАТО) тузиш борасидаги ташаббуси Афғонистонни тиклаш жараёнини, бу мамлакатдаги ўзаро низолашаётган барча томонлар ўртасида тинч сиёсий мулоқотни ташкил этишнинг энг самарали механизми

(Давоми 2-бетда).

ҲўқУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИНИНГ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИ ЙЙГИЛИШИ

Бош прокуратурада республика ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши ййгилиши бўлиб ўтди.

Унда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик ва ҳўқуқбузарликларга қарши олини олиш, иқтисодиёт соҳасидаги, коррупция, диний экстремизм, терроризм ва давлатнинг конституциявий тузумига таҳовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш борасидаги фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги ҳамда «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахс-

Ййгилишда айрим турдаги жиноятлар ва ҳўқуқбузарликларнинг ортанлиги кайд қилиниб, соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, айниқса, ички ишлар органлари томонидан муқаддам сулланган ва маъмурий назорат тўғрисидаги қонун таъсири доирасига тушувчи шахсларни ўз вақтида ҳисобга олиш, профилактика ишларининг самарадорлигини яхшилаш ҳамда улар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймамаслик хусусида кўрсатмалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

3 декабрь — Халқро ногиронлар кунин

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида Халқро ногиронлар кунин муносабати билан Паралимпиада ййинларида юксак муваффақиятларга эришган Ўзбекистон спортчиларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

ДУНЁ БИР, ОРЗУ БИР

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Миллий телерадиокорпорация хамкорлигида ташкил этилган «Дунё бир, орзу бир» деб номланган ушбу хайрия тадбиринда турли вазирлик ва идоралар, жамъат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар замирида аҳолини қучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамойили муассамдир.

Имконияти чекланган кишиларга мадд кўрсатиш, уларни спортга кенг жалб этиш, турли спорт клублари, соғломлаштириш мажмуалари, тиббий-реабилитация марказлари фаолиятини тақомиллаштириш, бундай спорт масканларида

(Давоми 2-бетда).

Менинг Конституциям

Маълумки, Конституция халқни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдан иборат буюк мақсад остида бирлаштирувчи муҳим сиёсий ҳўжжат ҳисобланади. Унда халқимизнинг иродаси, ижтимоий онги, маданияти, мақсадлари ва орзу-интилишлари акс этган. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов кайд этганидек, «Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир».


ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ АСОСЛАРИ

Конституциянинг 1 бўлими асосий принципларга бағишланган бўлиб, унда давлат ва хамият қурилиши ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг қўйидаги муҳим қондалари белгиланган: давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устулиги, ташки сиёсат. Халқ ҳокимиятчилиги демократиянинг мазмуни ва ақралмас шартини сифатида ушбу принциплар орасида алоҳида ўрин тутадди. Эеро, «демократия» суэининг тўб маъноси ҳам, юнон тилидан ўйрилган «халқ ҳокимияти»ни аниглайди.

Халқ ҳокимиятчилиги принципининг моҳияти шундан иборатки, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиб ҳисобланади. Давлат халқ иродасини ифода этади ва унинг манфатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар ўз ваколатларини халқдан олади ҳамда жамият ва фуқаролар олдида масъулдилар. Фуқаролар жамият

(Давоми 3-бетда).

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси очилади



Мамлакатимизда истиқлол туғайли давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг қабул қилиниши, ундаги янги демократик қоидаларни ҳаётга ижтисодий билан қўллаш, ўзимизга хос миллий давлатчиликни барпо этиш ижро этувчи ҳокимиятда ҳам ўз ифодасини топди.

ҚОНУН ТАКОМИЛЛАШУВИ

юрт фаровонлиги ва мамлакат юксалишига хизмат қилади

Табиийки, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси мамлакат ҳукумати ҳисобланади ва у ҳокимиятнинг муқтадир тармоғи — ижро этувчи ҳокимиятга раҳбарлик қилади. Яъни, у мамлакатнинг кундалик ҳаётига оид масалаларни тежор ҳал қилиш борасида бошқаруви амалга оширувчи ҳамда мамлакат тараққиёти истиқболли белгилашда да иштирок этувчи, ушбу вафаларини баҳарлашда кенг ваколатларга эга олий коллегия орган ҳисобланади.

Олий Мажлис Сенати йигирманчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Вазирилар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 6-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам, айтиш мумкин, ижро органи фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан амалга ошириладиган ислохотларнинг мантқиқий давомидир.

"Ўзбекистон Республикасининг Вазирилар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 6-моддаси амалдаги таҳририга мувофиқ, вазириларнинг ўринбосарлари, давлат кўмиталари раисларининг ўринбосарлари ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Раҳбар ҳодимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви органлари ҳайъатлари таркибини аниқлаш масалаларини ҳал этиш ишларини такомиллаштириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Вазирилар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда давлат бошқарувининг бошқа органлари: агентликлар, кўмиталар, марказлар, инспекцияларнинг раҳ-

Н. ФАЙЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси.

АҚШ ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

эканини таъкидладилар. Бу ташаббус илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан НАТО/СЕАПнинг 2008 йилда Бухарестда ўтган саммитида баён этилган, кейинчалик турли минтақавий ва халқаро форумларда фаол муҳокама қилинган эди.

Ф. Старр таъкидлаганидек, Ўзбекистон 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан анча олдин дунё ҳамжамиятини Афғонистондан чиқаётган минтақавий хавфсизлик таҳдидга эътибор қаратиш ҳамда терроризмга қарши курашиш зарурлиги ҳақида бир неча бор оғоҳланган эди. Унинг фикрича, «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш гоёси Марказий Осиёдаги мамлакат — Ўзбекистондан чиққани, ташқаридан тиқтирилган Афғонистон Ислам Республикасининг иқтисодий тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

Журналистлар билан мулоқот чоғида экспертлар Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислам Республикасининг иқтисодий тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди. Улар Ўзбекистоннинг кўприқлар қуриш, Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш борасидаги ишлари, шу-

нингдек, ўзбекистонлик мутахассислар томонидан «Хайратон — Мозори Шариф» темир йўли барпо этилиши истиқболда юксак самаралар беришини алоҳида қайд этдилар. Э. Уимбушнинг фикрича, «Ўзбекистоннинг ёрдамсиз Афғонистонда мустақам тинчлик ва иқтисодий ривожланишга эришини тасаввур қилиб бўлмайди».

АҚШ экспертлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бераётган самараларни ҳам юксак баҳоладилар. Ф. Старр «Ўзбекистон иқтисодиёти хом ашёга таяниб қолмаганини, мамлакатда саноат ривожланиб, интеллектуал салоҳият ошиб бораётганини» таъкидлади.

— Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳонда ва минтақада кечаётган жараёнларни чуқур англаган ҳолда сиёсат юритмоқда, — деди Э. Уимбуш. — Бу тасоғий афғон муаммосига ёндашувда ҳам кенг намоён бўлмоқда.

Тошкент шаҳридаги бир қатор касб-хунар коллежларини бориб кўрган Ф. Старр Ўзбекистонда ўрта махсус таълим

муаммосини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берди. Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ривожлантиришга оид масалалар ҳақида ҳам сўз борди. Жумладан, Э. Уимбуш АҚШда Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни мустақамлаш мумкин аҳамиятга эга эканига ишонч тобора ошиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг нечоғли мумкин мамлакатни экани билиш учун, деб давом этди америкалик эксперт, харишга қарашнинг ўзи қифоя — «мамлакатингиз Марказий Осиёнинг марказида турибди». Бундан ташқари, «Ўзбекистоннинг ривожланиш суръатлари ва истиқболига қараб, минтақани келажик ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатнинг келажикига тизимли ва стратегик нуқтаи назардан ёндашди, ташаббускорликка асосланган оқилона ташқи сиёсат юритади».

Америкалик экспертлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Анвоб БОБОЕВ, ЎЗА ШАРҲОЛЧИСИ.

ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИНИНГ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва уларни тузатиш йўлига йўналтиришда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлигига эътибор қаратилиб, бу йўналишда прокурор ва идоравий назоратни янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги ва коррупция жиноятлари қарши кураш, уларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган муайян ишлар билан бир қаторда, бу йўналишда йўл қўйилган айрим камчиликлар танқид остига олинди.

Давлат идоралари ҳодимлари томонидан коррупцияга йўл қўйилиши жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдид солиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўқтинлик қилади ҳамда фуқароларнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончига путур етказиши. Шу боис прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан коррупцияга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун ижроси

аҳволини муҳокама қилиш жараёнида, сўнгги йилларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, мазкур соҳада қонунчиликни такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилганлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, унга олиб келувчи омилларни бартафоз этиш, шунингдек, бу тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва жазо тайинлашда қонунбузиш ҳолатларига чек қўйилмаганлиги қайд этилиб, бу соҳада мансабни суистеъмол қилган ҳодимларга нисбатан қонунда белгиланган қатъий чоралар қўрилиши таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан прокуратура ва ички ишлар органларининг мазкур соҳалар учун масъул раҳбарларнинг ахборотлари тингланди.


Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан мавжуд камчиликларни бартафоз этиш ва ушбу соҳада фаолият самардорлигини оширишга қаратилган чоралар қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун тегишли органларга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати.

ЗАМОНАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛЛАР

тез ва сифатли хизмат кўрсатиш гаровидир

Мамлакатимизда янги темир йўллари барпо этиш, мавжудларини замон талаблари даражасида таъмирлашга алоҳида эътибор қаратишда Натижада коммуникациянинг ушбу бўғини ривожлантириш, йўловчи ташвиш ва логистика хизмати кўрсатиш сифати йил сайин яхшиланиб бораёттир.



Бунёдкорлик

Бугунги кунда, маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири натижасида дунё миқёсида маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёж кескин равишда тушиб кетмоқда. Оқибатда ташқи савдо, инвестициялар ҳажми қисқариб, иқтисодиётнинг таназзули ва давлат бюджетларининг тақчиллиги кучаяётти. Ҳамдўстлик мамлакатларида иқтисодий ўсиш бунга яққол мисол бўла олади. Жумладан, 2008 йилда ушбу давлатларда ўртача иқтисодий ўсиш 5,5 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг охирига бориб, бу кўрсаткич 6,7 фоиз миқдорда пасайиши кутилмоқда.

Ҳамда ёғ-мой саноати корхоналари учун сув билан ҳаводек зарур. Шуни ҳисобга олган ҳолда, жамоа ахли бюртмаларни белгиланган вақтда, сифатли адо этиш йўлида бутун қурағайратлари ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

сотиб олинди. Эндиликда эса нафақат тизимдаги йирик корхоналар, балки кичик бизнес ва ифтусий тадбиркорлик субъектлари ҳам уни биздан харид қилмоқдалар. Мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, янги йилга қадар 8 милли-

Кувонарлиси, янги йўналишлар бўйлаб пўлат излар ётқизиш қўлами тобора кенгаймоқда. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган "Янгийер — Даштобод" темир йўли линияси бунинг исботидир. Мазкур линия "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилаётти.

Бугунга қадар бу ерда катта ҳажмда тўпроқ ишлари баҳарилди. Айни пайтда рельслар ётқи-зилишига мослаб, тўпроқ кўтариш ва пресслаш ишлари олиб борилаётти. Шунингдек, иккита кўприк ва битта туннель барпо қилинмоқда.

Қурувчиларнинг айтишича, қурилиш ишларини йил охиригача тугаллаш учун бор имкониятлар ишга солинаётти. Ҳадемай пўлат излар ётқи-зишга киришилади. Шу тариқа "Янгийер — Даштобод" линияси темир йўлининг янада хавфсиз, раван бўлишига мустақам замин яратади. Энг муҳими, бу йўлдан "Тошкент — Самарқанд" йўналиши бўйлаб замонавий тезораз поездлар катта тезликда ҳаракатланиш имкониятига эга бўлади.

СУРАТЛАРДА: қурилиш ишларидан лавҳалар. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ДУНЁ БИР, ОРЗУ БИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

барча фуқароларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса табиий қўмак муҳтож қишлоқда катъий, матонат, мустақам ирода, ўз-ўзига бўлган ишонч каби эзгу фазилатларнинг шаклланишига, уларнинг иқтидорини ва қобилиятини юксак чикариш бораберида Паралимпия йўналишида ҳам маҳоратли спортчиларни тайёрлашда, уларнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақият қозонишида муҳим омили бўлмоқда. Ҳамюртларимизнинг Россия, Туркияда ноғирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича, Швейцарияда заиф эшитувчилар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатлари, Германия, Словакия, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатларда бўлиб ўтган қўлаб халқаро мусобақаларда эришган муваффақиятлари ушбу ҳамғўрлик ва эътиборнинг амалдаги ёрқин самараларидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзи Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада юқори поғонага кўтарди. Қарорга кўра, спорт клублари ва жамоалари тарбияланувчилари орасида, айниқса, чекка худудлардан ёш, иқтидорли спортчиларни танлаб олишни такомиллаштириш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш бўйича тайёргарликни ташкил этиш, спорт марказлари ва базаларини жаҳон андозалари даражасидаги спорт анжомлари, усуналари билан жиҳозлаш, мураббий-мутахассисларнинг таълим олишини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар баҳарилмоқда.

Жисмоний имконияти чекланган спортчиларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароитларни яратиш, уларнинг спорт маҳоратини оширишда Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясини самарали ҳисса қўлимоқда. Мазкур уюшма томонидан жисмоний имконияти чекланган спортчиларга ҳақ жиҳатдан қўлаб-қувватлашга йўналтирилган турли тадбирлар, хайрия акциялари, ижтимоий лойиҳалар, спорт мусобақалари, ушбу йўналишда спорт мураббийларнинг касб маҳоратини оширишга қаратилган туркум семинар ва анжуманлар ташкил этилмоқда. Халқаро ноғиронлар кунига бағишлаб Паралимпия соҳасида етакчи спортчиларни шарофлашга бағишланган ушбу тадбир ҳам бунинг далилидир.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясини томонидан таъсис этилган йилнинг энг яхши спортчиси, энг яхши жамоаси, энг яхши спорт мураббийси, Ўзбекистон доверсини оширишга қўшган ҳисса учун ва бошқа номинациялар бўйича голибларга сертификатлар ва совринлар тоғирилди.

Санаёт усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти намойиш этилди.

Назюкот УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

УЛКАН САЛОҲИЯТ — ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТ

ёхуд модернизация иқтисодий тараққиёт жараёнида ҳаётбахш куч эканлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда

Ўзбекистонда-чи? Барқарор макрориктисодий вазият сақланган ҳолда, иқтисодий юксалиш жараёни қорни суръатларда давом этмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи ички маҳсулот 108 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 109,1 фоизга, асосий капиталдаги инвестициялар ҳажми 128,3 фоизга ўсгани шундан далоят беради. Бу, аслида, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар, хусусан, Инқирозга қарши чоралар давлатнинг талаблари изчил амалга ошириладиганининг натижасидир.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан республикамизда Инқирозга қарши чоралар дастури ўз вақтида, узоқ истиқболни кўзлаб ишлаб чиқилгани ва у ҳозирда иқтисодий тараққиётни таъминлашда асосий омиллардан бири бўлаётгани халқаро экспертлар ва мутахассислар томонидан ҳам баралла эътироф этилаётти. Шу ўринда жорий йилнинг ўтган даврида юртимизнинг энг йирик саноат марказларида бири бўлиб Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш соҳасида эришилган натижалар таҳлил этилса, мазкур дастурнинг нечоғли аҳамиятга эга эканлиги янада ойдинлашади.

Шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бoш бошқармасининг маълумотларига кўра, бу ерда тўққиз ой давомида ялпи ҳудудий маҳсулот 12,6 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 10,6 фоизга ўсган.

Бу ютуқлар қайси омиллар ҳисобига қўлга киритилди? Аввало, шуни таъкидлаш керакки, шаҳар бўйича 87 тадан зиёд корхонада маҳсулот таннархини камайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, айниқса, экспорт қилувчи корхоналарнинг давлат томонидан ҳур томонлама қўлаб-қувватланиши, қолаверса, машинасозлик, қурилиш, янги саноат соҳаларида 25 та янги корхона фойдаланишга топширилиб, 620 та иш ўрни ташкил этилиши иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлади. Шу билан бирга, таркибий ўзгаришларнинг давом этирилиши, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қўлаб корхоналар неғизда янги лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши, иқтисодиёт муҳим тармоқларининг модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгилашиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар берилиши, уларнинг фаолият юритишлари учун қўлай шарт-шароитлар

яратилиши ҳам бу борада асосий омил сифатида хизмат қилмоқда. Бу йил ишга туширилган янги объектлар сирасига тикув маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи "Aytug Textile" хориж корхонаси ва "Tugon tex" масъулияти чекланган жамияти, офсет пластиналарини ишлаб чиқарувчи "Showprint" қўшма корхонаси, алюмин профиллар тайёрловчи "Pallada investment" шўъба корхонаси, техник вата ишлаб чиқарувчи "Exim cotton" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси ва ишлаб ишлаш таёйроғичи "Asi Oyna" очик акциядорлик жамияти ва бошқаларни киритиш мумкин. Буларнинг бари ҳозирданқо шаҳар иқтисодиёти ривожига ўз хиссасини қўшаётгани кувонарлидир. Мисол учун, "Asi Oyna"ни олиб кўрайлик. 190 нафар ишчи-хизматчи ва муҳандис-техник ҳодим меҳнат қилаётган бу очик акциядорлик жамиятида "Heue international GmbH" компанияси (Германия)нинг юқори технологик усуналари ўрнатилган. Улар ёрдамида турли дизайн ва санимга эга, рангли ва рангсиз қадқоқлаш идишлари ишлаб чиқарилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, ана шу маҳсулотлар мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш, озиқ-овқат

"MET TUR servis" масъулияти чекланган жамияти ҳам шаҳар корхоналари ўртасида ўз маквени тобора мустақамлаб бораётти. Дастлаб ўшбу корхонада 14 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 90 нафардан ошиб кетди. Улар 250 турдаги фурнитурга ашёларни, автомобильлар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариб, йил охиригача 2 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотни бюртмачиларга етказиб беришмоқчи.

— Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш — бу иқтисодий тараққиёт жараёнида ҳаётбахш куч эканлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда, — дейди "Temigchi" акциядорлик жамияти бoш муҳандиси Шухрат Хилватов. — Бунинг фаолиятимиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Айниқса, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот турларини кўпайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мутахассисларимиз томонидан "БС биттер" сепаратори яратилган кенгайтирди. Мисолини янада кенгайтирди. Гап шундаки, илгари ёғ-мой корхоналарида ишлатиладиган ва агрегат валюта ҳисобига хориждан

ард 750 миң сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. "ELT roller" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона директори Дилшод Хўжаев ҳам бунинг кунда ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш кони фойдаланиши қайд этаркан, жумладан, шундай дейди:

— Бизда Туркиянинг "Микросан" фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий технология линиялар ўрнатилган бўлиб, асосан иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик ва канализация тармоқлари учун полипропилен кувурлар, фитинг, сантехника маҳсулотларини тайёрлайди. Ушбу маҳсулотларнинг сифати яхши, нархи арзон. Шу боис "Бюртима портфелимиз" кун сайин тўлиб бораётти. Бу, ўз навбатида, 50 кишидан иборат жамоамизни сидқидилдан ишлашга даъват қилаётти.

Кўриниб турибдики, Тошкент шаҳрида саноат соҳасида эришил-

ган бундай ижобий натижалар ҳар бир фуқароларнинг дилига илиқлик бахш этиб, кўнглини фарх ва ифтусий тадбиркорлик субъектлари ҳам уни биздан харид қилмоқдалар. Мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, янги йилга қадар 8 милли-

Икром УТБОСАРОВ.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вақилида орқали иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Давлат ҳокимияти фақат халқ номидан амалга оширилади, давлат ҳокимиятини муайян бир гуруҳ, партия ёки бошқа идора номидан амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Конституциянинг II боби «Халқ ҳокимиятчилиги» деб номланган бўлиб, унда халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш бўйича муҳим қоидалар мустаҳкамланган. Ушбу ўринда, қайд этиш жоизки, бизнинг Конституцияда хорижий давлатлардан фарқли ўлароқ, халқ ҳокимиятчилиги масалаларига битта ёки иккита модда эмас, балки аялти бир боб ажратилган. Унда бу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари, ривожланган давлатларнинг ихобий ютуқлари ҳамда халқимизнинг тарихий тажрибаси ва менталитети акс этган. Хусусан, Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Халқ ҳокимиятчилиги ҳақида сўз борар экан, «халқ» атамаси кимларни қамраб олиши ҳақидаги саволнинг юзага келиши, табиийдир. Асосий Қонуни-мизнинг 8-моддасига асосан, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Бу қоида мамлакатимиз фуқаролари бўлган барча миллат ва элат вакилларининг Конституция ва қонунлар олдида тенглигини, бир хил фуқаролик мақомига эга эканлигини кўрсатади. Таъкидлаш керакки, ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устувор ҳусусиятларидан бўлиб, ахсарият мамлакатлар Конститу-

цияларида бундай қоидалар мавжуд эмас.

Халқ ҳокимиятчилиги принципи фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вақилида орқали иштирок этиш ҳуқуқидан намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Чунончи, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар билан кафолатланган.

Конституциямизга мувофиқ, халқ ҳокимиятчилиги билвосита, яъни фуқароларнинг давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Бу асосан, давлат ҳокимияти органларига, хусусан, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда намоён бўлади. Сайловлар орқали фуқаролар муайян муддатга давлат бошқарувини амалга ошириш учун ҳокимиятнинг вакиллик органларига ўзлари муносиб деб ҳисоблаган вакилларини сайлайдилар ва шу орқали давлат бошқарувидан билвосита иштирок этадилар. Фуқароларимизнинг бу борадаги ҳуқуқлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти

сайлови тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар билан мустаҳкамланган. Ушбу қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқларни фуқароларимиз мамлакатимизда 2009 йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловларда иштирок этишлари билан амалга оширадилар.

Конституциянинг 10-моддасида халқ ҳокимиятчилиги принциpidан келиб чиқадиган яна бир муҳим ўтадиган Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловларда иштирок этишлари билан амалга оширилади. Чунончи, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар билан кафолатланган.

Конституциянинг 11-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади. Конституциянинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқ ҳокимиятчилиги принципининг умумэтироф этилган барча қоидалар мустаҳкамланган бўлиб, улар мамлакатимизда халқнинг хоҳиш-иродасига асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва одил фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вақилида орқали иштирок этиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Уллубек АЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти қўлидаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти
етакчи илмий ходими.

Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «IJOB» Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюشمаси ҳамда бир қатор ижодий ташкилотларнинг йирик лойиҳаларидан бири — «Bazar Art-2009» кўргазма-ярмаркаси бошланди.

УСТА ВА ҲУНАРМАНЛАР ИЖОДИ НАМОЙИШИ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган уста ва ҳунармандлар ўз ижод намуналари билан иштирок этмоқда.


Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишловлар жараёнида миллий аъёна ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати соҳасида самарали ишланаётган ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва янада самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш

борасида амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватлаш ишлари бунинг эркин далилидир.

Миллий ҳунармандлик соҳасидаги унутилган аъёна ва мактабларни тиклаш, моҳир усталар сулолаларининг фаолиятига яқиндан қўллаб-қувватлаш, бу йўналишдаги эришилган ютуқларни кенг тарғиб этиш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.

Аъёнавий «Bazar Art» кўргазма-ярмаркасида бу гал уз нафардан ортиқ уста ва ҳунарманд ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

У.А.



«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллиги билан самимий қутлайди.

Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тантана қилаётган бир даврда барчага мусаффо осмон, саломатлик, бахт, ҳар бир хонадонга тўқин-сочинлик тилаймиз!



ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси солиқни сақлаш вазири Режел Акдаг раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси солиқни сақлаш вазири Адхам Икромов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кўра янада яқинлаштириш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ишларида муҳим омили бўлмоқда. Мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада Туркия солиқни сақлаш муассасалари билан

лаш, тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ишларида муҳим омили бўлмоқда. Мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада Туркия солиқни сақлаш муассасалари билан

яқин ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар бунинг тасдиғидир.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани бизни қаян қувонтиради, — деди Режел Акдаг. — Ташриф асосида Ўзбекистонда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасида катта муваффақиятларга эришилаётганининг гувоҳи бўлиб, Учрашувда Ўзбекистон билан Туркия ўртасида солиқни сақлаш соҳасида

ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, соҳада кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти ҳузуринидаги суяк қўмиги трансплантацияси марказини бориб кўрдилар. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

Мадина УМАРОВА,
Ў.А. мухбири.

24 соат ичида

ЖАҲОН

Лондон шаҳрининг марказидаги Ислингтон туманида келгуси йилнинг январь ойидан бошлаб автомобилларда тез юриш тақиқланади.

Тез юриш тақиқланади



Янги қоидага кўра, бу ерда машиналарнинг энг юқори тезлиги соатига 32 километрдан ошмаслиги лозим. Туман маъмурияти томонидан изоҳланишича, мазкур тартиб атроф-муҳитнинг ифлосланиши, автохолоклатлар ва кўчаларда юзга келадиган тирбандликларнинг олдини олиш экан.

Кредит беришга қарор қилди

Жаҳон банки Беларус давлатига кредит ажратмоқчи.

Маълумотларга қараганда, молия муассасаси яқин кунларда мазкур мамлакатга 200 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоа ажратади. Маблагнинг маълум қисми ижтимоий дастурлар ижросига йўналтирилса, қолгани мамлакатдаги меҳнат бозорини либераллаштиришга сарфланиши кўзда тутилган.

Вақтинчалик нақд пулсиз

Шимолий Кореяда жорий йилнинг иккинчи декабрь санасидан бошлаб нақд пул орқали амалга оширилувчи барча операциялар тўхтатилган.

Изоҳланишича, мамлакат миллий валютаси — вон купюраларини янгилирга алмаштириш жараёни бошланганлиги сабабли ана шундай вазият ҳукм сурмоқда. Ҳозирда КХДРда деярли барча савдо муассасалари, жамоат транспортлари фаолиятида тўхталиш юзга келган. Бу ҳол олтинчи декабрга қадар давом этиши айтилмоқда.

Назоратни кучайтириш мақсадида

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар молия вазирилар иштирокатида Брюсселда бўлиб ўтган учрашув чоғида минтақадаги банкларни назорат қилиб борувчи янги ташкилот тузиш гоёси илгари сурилди.

Бундай ташкилот фаолиятининг йўлга қўйилиши банкларнинг инқирозлардан сақланишига хизмат қилиши мумкин экан. Ҳозирча мазкур тақлифга ЕИГА аъзо давлатлар ҳеч қандай муносабат билдирмаган.

Ўсишга умид қилаёпти

Мобил алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи «Nokia» (Финляндия) корпорацияси 2010 йилда маҳсулотларига бўлган талаб 10 фоизга ошмишига умид қилмоқда.



Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Шунингдек, корхона ўзининг алоқа бозоридagi мавқеи ҳозирги таҳлилда сақланиб қолишига ҳам ишонч билдирмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, агар «Nokia»нинг бу башоратлари ўзини оқласа, компания кейинги йилни катта миқдордаги соф фойда билан яқунлаши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси кўйидаги мол-мулкларнинг очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Қорақалпоғистон филиалининг аукцион савдосига «Хамкор МТП» тугатиш бошқарувчиси томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳужалик судининг 2009 йил 28 августдаги 23-0905/6527-сонли хал қилув қарорига кўра банкрот деб эътироф этилган, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Турон кўчаси, 25-уйда жойлашган «Хамкор МТП» мол-мулклари мажмуа сифатида кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 165 787 000 сўм.
Аукцион савдоси 2009 йил 9 декабрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

II. РКМБ Андижон вилояти филиалининг аукцион савдосига:
1. «Асака мева-сабзавотлари қайта ишлаш» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан, Асака тумани, «Кужган» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 6311,26 кв.м.дан иборат, А1, Г1, З, И, Л, Р, Т, У, X, X1, X2, Ю, Я, 41-литерлардаги бино-иншоотлар, 800 п/м ва 61 п/м ўрама деворлар, 3 та темир дарвоза, бетон ҳовуз, резервуар, 400 кв.м. асфальт майдони, 455 тул дарахт, темир будка ҳамда 12 номдаги асбоб-ускуналар кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 127 802 000 сўм.
2. Бўз тумани «1-МКС» МЧЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан, Андижон тумани, У. Юсупов кўчаси, 34-уй, «Андижон кўча механизациялашган колонна» МЧЖда сақланаётган кўйидаги мулклар кўйилмоқда:
• «ЭО-304» русумли, давлат рақами АЖ 1068 бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган техника воситаси, бошланғич баҳоси — 4 072 043 сўм;
• «ЭО-652» русумли, давлат рақами 6205 АЖ бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган техника воситаси, бошланғич баҳоси — 4 347 554 сўм;
• «ЭО-2621А» русумли, давлат рақами ЕУ 3441 бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган техника воситаси, бошланғич баҳоси — 1 560 050 сўм;
• «Т28х4» русумли, давлат рақами 1060 АЖ бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган трактор, бошланғич баҳоси — 465 563 сўм;
• «Д-110» русумли, давлат рақами АЖ 6387 бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган бульдозер, бошланғич баҳоси — 1 388 572 сўм;
• «Т-150» русумли, давлат рақами 6210 АЖ бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган техника воситаси, бошланғич баҳоси — 2 022 246 сўм;
• «ГАЗ-5204» русумли, давлат рақами 17 АН 176 бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 4 099 236 сўм.
Аукцион савдоси 2009 йил 9 декабрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

III. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига
«Қизилтепа Парранда» АЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан, Қизилтепа тумани «Қизилтепа Парранда» АЖнинг лимон етатириш иссиқхонаси, майдони — 403,21 кв.м., 3 та иссиқхона қоровулхонаси, 2 та ер ости сув қудуғи, 2 қавати маъмурий бино ер майдони — 489,48 кв.м., ошхона майдони — 824,90 кв.м., насослардан сув ҳайдаш биноси майдони — 50,24 кв.м.дан иборат мол-мулклар мулкрий мажмуа сифатида кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 201 573 400 сўм.
Аукцион савдоси 2009 йил 22 декабрь кўни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

IV. РКМБ марказий аппаратининг аукцион савдосига:
1. «Жаҳон лайпок» МЧЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан, Тошкент шаҳар ҳужалик судининг 2009 йил 14 августдаги 10-0816/15028-сонли ажримига асосан, банкрот деб эътироф этилган, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, Тошкент йўли кўчаси, 98-уй манзилида жойлашган мулкрий мажмуаи кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 636 950 900 сўм.
Аукцион савдоси 2009 йил 21 декабрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
2. «Ўзбекишлоқмаш» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан, Тошкент шаҳар ҳужалик судининг 2008 йил 4 августдаги 10-0817/7944-сонли ажримига асосан, банкрот деб эътироф этилган, Тошкент вилояти, Богшамол (собиқ Ж. Обидова) кўчаси, 160-уй манзилида жойлашган, «Ўзбекишлоқмаш» ОАЖнинг мулкрий мажмуаи кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 25 687 164 477 сўм.
Аукцион савдоси 2009 йил 31 декабрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур эълон оммавий ахборот воситаларида аввал чоп этилган эълонларга қўшимча равишда берилмоқда.

Савдога чиқарилган банкрот-корхоналар бўйича муурожаат учун телефонлар:
• Қорақалпоғистон Республикаси филиали: (код 8-361) 222-84-44;
• Андижон вилояти филиали: (код 8-374) 224-36-88;
• Навоий вилояти филиали: (код 8-436) 224-15-61, 224-64-31;
• РКМБ марказий аппарати: (код 8-371) 228-79-52.

Абдулла Кодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти

«Ижтимоий-маданий фаолият назариси, услубийти ва ташкил этиш», «Кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик» ихтисосликлари бўйича аспирантурага қабул эълон қилади.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Муурожаат учун манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 127-«А» уй. Телефонлар: 262-03-23, 262-38-33.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали» ДУК Кинодастурлар ва теозор дубляж студияси катта муҳаррири Барно Абдурашидовага отаси

Эргашови АБДУРАШИДОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви ва жамоаси ассоциацияга аъзо «Мулоқот» телестанцияси директори Бурхон Шерматовга рафиқаси

Зулфия ШЕРМАТОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат санъат институти жамоаси Эстрада ва оммавий томошалар санъати кафедраси доценти Эмилля Фёдоровна КРУШЕВСКАЯНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университетини ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси Молля ва солиқлар кафедраси собиқ доценти Кўчкор РАҲМОНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик изҳор этади.

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2009-2010 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиблари

Бакалаврият йўналишлари бўйича

Эрназарова Ёркиной Оллабергеновна
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналишлари бўйича)

1988 йил 22 ноябрда Хоразм вилоятида туғилган. Урганч давлат университети "Миллий ғош" маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши 4-курс талабаси. Фанлардан аёло баҳо-ларга ўқиши билан бир қаторда республика миқёсидаги газета ва журналларда илмий-оммабоп мақолалари билан чиқишлар қилиб туради. Республика ва университет миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларда мунтазам қатнашиб боради. Бир неча шеърый тўпламлари чоп этилган. 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлашади.



лабалари учун таъсис этилган Навоий номли давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлашади, араб, турк ва француз тилларини ўрганмоқда.

Ишчанов Жавлонбек Курбанбаевич
(Қишлоқ ва сув ҳўжалиги таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 29 апрелда Хоразм вилоятида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институти "Сув ҳўжалиги ва мелиорация" йўналиши 4-курс талабаси. Уқуш давомида юқори натижаларга эришганлиги билан бир қаторда Республика миқёсида ўтказиладиган талабалар илмий анжуманлари ва конференцияларида қатнашиб келмоқда. Институт миқёсида "Чизма геометрия", "Олий математика", "Назарий механика", "Материаллар қаршилиги", "Гидравлика" фанларидан бўлиб ўтган олимпиадаларда фахрли 1-ўринини эгаллаган. Инглиз тилида эркин сўзлашади.



этиб келмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фаргона вилояти Кенгашининг "Энг фаол етакчи", Фаргона давлат университети талабалари ўртасида ўтказилган "Иқтидорли талабалар" курик танлови ғолиби дипломлари билан тақдирланган. Республика ҳамда халқаро журналларда илмий мақолалари чоп этилган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлашади.

Ташбаев Бехзод Олимжонович
(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот таълим йўналишлари бўйича)

1987 йил 23 январда Андижон вилоятида туғилган. Андижон давлат тиббиёт институтининг "Педиатрия иши" таълим йўналиши 7-курс талабаси. Уқушдаги ютуқлари билан бир қаторда Республика миқёсида ўтказиладиган талабалар илмий анжуманлари ва конференцияларида ўзининг илмий мақолалари ва тезислари билан қатнашиб келмоқда. "Автоматлаштирилган тизимларда дастурли мантиқий бошқарув" фани бўйича ҳаммуаллифликда 3 та ўқув қўлланма ишлаб чиққан. Қўлаб илмий мақола ва тезислар муаллифи. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлашади.



бўлган. Университетнинг жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Факультет талабалар касабга уюшмаси раиси. Инглиз тилида эркин сўзлаша олади.



Файзиев Олим Раимкулович
(Хуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича)

1986 йил 12 июлда Жиззах вилоятида туғилган. Тошкент давлат юридик институти "Хуқуқшунослик" таълим йўналишининг 4-курс талабаси. Республиканинг қатор ижтимоий-хуқуқий нашрларида қўлаб илмий мақолалар чоп этган. Институт ва республика миқёсида ўтказилган илмий анжуман ва конференцияларида фаол қатнашиб келмоқда. Бир қанча илмий-оммабоп рисоалар муаллифи ва ҳаммуаллифидир. 2009 йил апрель ойида ўтказилган "Иқтидорли талабалар илмий ишлари Республика танлови"нинг муассаса миқёсидаги босқичида иштирок этиб, фахрли биринчи ўринини эгаллаган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлаша олади.



Айни пайтда "Ўзбекистон Республикасида шахсий хуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий-хуқуқий асослари" мавзусида изланишларини давом эттирмоқда.

Сайдалиев Улугбек Алимжонович
(Техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 14 апрелда Самарқанд вилоятида туғилган. Тошкент ахборот-технологиялари уни-

верситети Самарқанд филиали "Телекоммуникация" таълим йўналишининг 4-курс талабаси. 2007 — 2008 йилларда университет ва республика миқёсидаги "Информатика ва ахборот хавфсизлиги" йўналиши бўйича ўтказилган фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. 2008 йилда ўтказилган "Келажак овози — 2008" танловининг Республика босқичи ғолиби. Жамоатчилик ишларида мунтазам равишда фаол қатнашиб келмоқда. Рус тилини мукамал билади, инглиз тилида эркин сўзлашади.



Абдуллаева Ҳадия Абдурасуловна
(Журналистика таълим йўналиши бўйича)

1987 йил 1 февралда Тошкент вилоятида туғилган. Ўзбекистон миллий университети "Журналистика" таълим йўналишининг 4-курс талабаси. Илмий анжуман ва конференцияларда фаол қатнашиб келади. Фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган. Уқушда фанларини аёло баҳо-ларга ўзлаштирилганлиги ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этганлиги учун қўлаб фахрий ёрлик ва ташаккурномалар билан тақдирланган. 2008 йилда ўтказилган LG грант танловида ғолиб бўлган. NTT телеканалда "Ёшлар олами" телекурсувнинг "Мушоада" саҳифасини олиб боради. Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлашади.



Айни вақтда "Ўзбекистонда интеллектуал курсатувларнинг пайдо бўлиши ва тайёрлашда манбалар билан ишлаш" мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

Магистратура мутахассисликлари бўйича

Абдулкасимова Мадина Фаридуновна
(Техника ва информатика мутахассислиги бўйича)

1987 йил 23 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат иқтисодий университетининг "Иқтисодий ётда ахборот тизими ва технологиялари" мутахассислиги 2-курс магистранти. Мунтазам равишда фан олимпиадаларида, жумладан 2008 йил "Компьютер графикаси" фанидан университетда ўтказилган талабалар олимпиадасида қатнашиб, фахрли II ўринини эгаллаган. Тошкент давлат иқтисодий университети ахборот таълим йўналишлари тематик сайтлари муаллифи ва ҳаммуаллифи. Рус тилида мукамал, инглиз тилида эркин сўзлаша олади.

Муродов Шерзод Нормонович
(Табий фанлар (физика-математика ва кимё-биология) мутахассислиги бўйича)

1986 йил 10 августда Бухоро вилоятида туғилган. Ўзбекистон миллий университети "Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси" мутахассислиги 2-курс магистранти. Фанлардан аёло баҳо-ларга ўқиши билан бир қаторда илмий-оммабоп мақолалари билан республика миқёсидаги газета ва журналларда чиқишлар қилиб туради. Республика ва университет миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларда мунтазам қатнашиб боради. Инглиз ва рус тилида эркин сўзлаша олади.

Темирходжаева Асал Джахонгирова
(Бизнес ва бошқарув мутахассислиги бўйича)

1986 йил 27 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент молия институти "Сўғурта андеррайтерлик фаолияти" мутахассислиги 2-курс магистранти. Фанларни чуқур ўзлаштириши билан бир қатор-

да республика ва институт миқёсида ўтказиладиган турли илмий-амалий анжуманлар ҳамда маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Қўлаб фан олимпиадалари ва танловларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаган. Жумладан, 2008 йили "Алком" сўғурта компанияси томонидан ўтказилган "Энг яхши иш" номига эришган бўлиб, 2007 йили Навоий номли давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва рус тилларини мукамал билади.

Рашидова Умида Мансуровна
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар мутахассислиги бўйича)

1987 йил 20 апрелда Самарқанд вилоятида туғилган. Самарқанд давлат университети "Лингвистика (ўзбек тили)" мутахассислиги 2-курс магистранти. Университет ва республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида мунтазам қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2008 йилда "Она тили ва адабиёт" фанидан ўтказилган республика фан олимпиадасида иштирок этиб фахрли III ўринини эгаллаган. 2007 йилда Навоий номли давлат стипендияси совриндори бўлган. Республика илмий-амалий анжуманларининг доимий иштирокчиси. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлаша олади.

Айни вақтда "Кўз" ва "Қўл" компонентли ибораларнинг шаклланиши ва услубий-семантик хусусиятлари" мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Меликулова Барно Усмоновна
(Маданият, санъат ва спорт мутахассислиги бўйича)

1985 йил 30 ноябрда Сурхондарё вилоятида туғилган. Тошкент давлат маданият институти "Маданият социологияси" мутахассислиги 2-курс магистранти. Уқуш давомида юқори рейтинг натижаларига эришганлиги билан бир қаторда республи-

ка миқёсида ўтказилган талабаларнинг илмий-амалий анжуман ва конференцияларида ўзининг мақола ва тезислари билан мунтазам равишда қатнашиб келади. Бир қанча шеърый тўпламлари, илмий-оммабоп рисоалари босмадан чиққан. Байрам ва тантаналарда қўшиқчи сифатида чиқишлар қилган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлаша олади.

Самадов Фуркатжон Носибжонович
(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот мутахассислиги бўйича)

1983 йил 20 августда Андижон вилоятида туғилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институти "Болалар невропатологияси" мутахассислиги 3-курс магистранти. Фанларни чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда фан олимпиадалари, республика ҳамда халқаро илмий-амалий анжуманлар ва конференцияларида ўзининг илмий мақолалари билан фаол иштирок этади. Жумладан, 2007-2008 йилларда МДХ давлатларида бўлиб ўтган илмий анжуманларда ўзининг илмий йўналишига оид бир қатор мақолалари чоп этилган. 2005 йилда Ибн Сино номли давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва рус тилларини мукамал ўзлаштирган.

Айни пайтда "Еш болаларда кечки неврологик асоратларни эрта таъхислаш ва даволаш усулларини мукамаллаштириш" мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Кўзиев Абдулла Яндашалиевич
(Педагогика мутахассислиги бўйича)

1987 йил 21 ноябрда Наманган вилоятида туғилган. Наманган муҳандислик-педагогика институти "Касбий таълим (информатика ва ахборот технологиялари)" мутахассислиги 2-курс магистранти. Доимий равишда илмий анжуман ва конференцияларда фаол қатнашиб келади. Фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган. Уқушда фанларни аёло баҳо-ларга ўзлаштирилганлиги ҳамда

жамоат ишларида фаол иштирок этганлиги учун қўлаб фахрий ёрлик ва ташаккурномалар билан тақдирланган. "Келажак овози — 2007" танлови вилоят босқичи ғолиби. 2007 ва 2008 йилларда дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати чорак финал баҳслари иштирокчиси бўлган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлашади.

Баяндрова Екатерина Александровна
(Хорижий тиллар мутахассислиги бўйича)

1986 йил 30 январда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Лингвистика (инглиз тили)" мутахассислиги 2-курс магистранти. Фанлардан аёло баҳо-ларга ўқиши билан бир қаторда илмий-оммабоп мақолалари билан республика миқёсидаги газета ва журналларда чиқишлар қилиб туради. Республика ва университет миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларда мунтазам қатнашиб боради. Икита илмий-оммабоп ишлари чоп этилган. Университет миқёсида жамоат ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Инглиз тилини мукамал билади.

Абдурахмонов Ботир Уринбоевич
(Қишлоқ ва сув ҳўжалиги мутахассислиги бўйича)

1986 йил 16 апрелда Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институти "Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси" мутахассислиги 2-курс магистранти. Фанларни чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда республика миқёсидаги мутахассислик бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

Абдурахмонов Ботир Уринбоевич
(Қишлоқ ва сув ҳўжалиги мутахассислиги бўйича)

1986 йил 16 апрелда Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институти "Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси" мутахассислиги 2-курс магистранти. Фанларни чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда республика миқёсидаги мутахассислик бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

илмий-амалий анжуманлар ҳамда маданий-маърифий тадбир ва танловларда фаол қатнашиб келатганлиги муносабати билан қўлаб фахрий ёрлик ва ташаккурномаларга сазовор бўлган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлаша олади.

Мусаев Бекзод Турсунбоевич
(Хуқуқ ва халқаро муносабатлар мутахассислиги бўйича)

1987 йил 25 январда Андижон вилоятида туғилган. Тошкент давлат юридик институти "Жиноят хуқуқи ва криминалогия, жиноят-ижроия хуқуқи" мутахассислиги 2-курс магистранти. Республика ва институт миқёсида ўтказилган қўлаб фан олимпиадалари ва танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Жумладан, 2007 йили "Хуқуқшунослик" фани бўйича ўтказилган республика фан олимпиадасида II ўринини қўлга киритган. Бир неча илмий-оммабоп рисоалар ҳаммуаллифидир. Инглиз ва рус тилларини чуқур ўзлаштирган.

Ким Екатерина Радионовна
(Журналистика мутахассислиги бўйича)

1986 йил 12 августда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Халқаро журналистика" мутахассислиги 2-курс магистранти. Уқушдаги ютуқлари билан бир қаторда республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадалари, талабалар илмий анжуманлари ва конференцияларида ўзининг илмий мақолалари ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Институт миқёсидаги жамоатчилик ишларида фаол қатнашади. 2007 йилда Навоий номли давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз тилини мукамал билади. Хозирги кунда Интернетнинг инсонга психологик таъсири бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган қўламақалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида термид халфа операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

1-Тижорат материаллари

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абалов.
Мусаҳҳаб — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топшириш — 02.30 1 2 4 5